

**БОЛА ТАРБИЯСИДА ҲАЙВОНЛАРГА МУҲАББАТ РУҲИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА “ГҮРҲҒЛИНИНГ ЎЛИМИ” ДОСТОНИНИНГ ЎРНИ****Муборак Ўсарова***Термиз давлат педагогика институти 1-курс магистранти*

Аннотация: Бу мақолада “Гүрўғлининг ўлими” номли достоннинг болалар тарбиясида ҳайвонларга нисбатан муҳаббат руҳини уйғотишида муҳим аҳамият касб этиши ёритилиб ўтилган.

Калит сўзлар: Бола, тарбия, достон, халқ, ҳайвон, муҳаббат.

Халқ оғзаки ижоди қадимдан инсонлар орасида тарбиявий мураббий ва ибрат наъмунасини ўтовчи кўзгу ҳисобланади. Айниқса, халқ достонлари миллий кадриятларимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз мисли бир зилол булоқ фазифасини ўтайди. Азалдан ота-боболаримиз фарзандларини мана шу булоқ сувлари билан қондириб, уларни миллий руҳда тарбиялашга одатланиб келишган. Халқимизни ижодкор шу билан бир қаторда зўр ва моҳир педагог десак ҳеч ҳам муболаға бўлмайди. Ҳали таълим бериш жараёнлари яхши шаклланмаган даврларда ҳам улар болаларини шундай маҳорат билан тарбиялаганларки, бугунги кунда ҳам улардан ўрнак олсак арзийди. Айниқса, кўплаб халқ оғзаки ижоди намунаси бўлган достонларни мисол қилиб келтирсак бўлади. Юқоридаги фикримизни исботлаш мақсадида биргина “Гүрўғлининг ўлими” достонидан инсонларнинг ҳайвонларга ва ҳайвонларнинг инсонларга бўлган муҳаббатини ўрганишимиз мумкиндир. Достонда биз ҳайвонларни севишимиз, уларни асрашимиз керак дейилмайди, балки шундай маҳорат билан тасвирланадиги ўқувчи кўнглида жинз этадиган “эҳ” дейдиган жойларни кўришимиз мумкин. Қани унда тезроқ бу достон олами сари олға!

Достонда Гүрўғли султон ов қилиб юрганда бир йигитга дуч келади ва у йигитнинг хотинини заҳарлаб ўлдирилганини натидада тўртта бола норасида қолиб кетгани ва улар орасида эмизикли боланинг борлиги унинг раҳмини келтиради ва уларни отга миндириб, уйга олиб кетади. Султон халққа овоза бердиради эмизгани доя сўраб, жарчи бақириб юрганда, Хўжа тоғининг ортида кийик икки боласини етаклаб ўтлаб юради. Бу овозани эшитган кийик болани эмизишга шошади ва болаларни эмизади ва Гүрўғлининг олдига чопади. Бориб келиб болаларни эмизиб, кетишга ваъда бериб кетади. Мана шу пайти она кийик болаларига қараб шундай сўзларни айтади:

“Чорлагандан кейин Гүрўғли султон,
Юрмакка қолмади бизларда дармон.
Тағи бир кўрмасам бўлинглар омон,
Бормасам бўлмайди энди Чамбилга”⁴.

⁴ “Гүрўғли” достони. “Шарқ” нашриёт-матбаа аксиядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкенти – 2006. 413-бет.

Ўз болалрини ташлаб инсон боласига ёрдам бергани шошади. Бу парчани ўқиган ҳар қандай одамнинг қалбида она кийикка бўлган қандайдир илиқ муносабат пайдо бўлади. Нафақат бу она кийикка бўлган муносабат балки жамики жонзотларга бўлган меҳрнинг бир парчаси ҳисобланади. Айниқса мана шундай дostonларни ёш болаларга ўқиб берадиган бўлсак, улардаги табиатга ва ҳайвонларга бўлган эътиборини ва кизиқишини оширган бўламиз. Болалар учун дostonда кийикнинг гапириши кизиварли туюлади ва ҳайвон ҳам гапирадими деб ўйлайди. ҳайвонлар инсонларга яхшилик қиляпти демак инсонлар ҳам ҳайвонларга яхшилик қилиши керак деб тушунади. Буни англаган ҳар бир бола ҳайвонлар ҳам инсонларнинг энг яқин дўсти эканлиги ва уларга озор етказмаслик кераклигини тушуниб етадилар.

“Гўрўғлининг ўлими” дostonида Ғиркўк гўрўғлининг оти шу билан бир қаторда энг яқин дўсти ва ҳамроҳи ҳисобланади. Гўрўғли султон фарзандсизлигидан париларга нолиганда мана шундай сўзларни айтади:

“Йиғлайман, парилар, чексиз ғамим бор,
Шуйтиб қора кўзларимда намим бор,
Сизга демай, кимга дейин, гулёрлар,
Отим билан сиздан бошқа кимим бор”⁵.

Гўрўғли султон бу дунёдан бефарзанд ўтади. Ўзи тилидан айтадики, парилар ва оти бу дунёда унинг энг яқинлари ҳисобланади. Бу ерда отини оила аъзосидек кўриши нақадар отининг яқин эканлигидан дарак беради. Ҳаёти давомида Ғиркўк Гўрўғлининг ҳамроҳи, қайга борса йўлдоши ҳисобланади. Биргина мисол берадиган бўлсак, инсон инсон билан узоқ йиллар мобайнида бирга бўлиб қийин ва машаққатли йўлларни босиб ўтса, улар жуда ҳам яқин дўст бўлиб кетадилар. Бу жойда эса Гўрўғли оти билан қанча қийинчилик бўлса бирга кўрганлигини, бир-бирига ёрдам берганлигини кўршимиз мумкин. Биргина мисол тариқасида Гўрўғли султоннинг юртига ёв бостириб келганда Гўрўғли шундай деб ўйлайди “Ғиротим олдимда бўлганида, бир амаллаб ўзимни устига олганимда, буларнинг бир додини берар эдим”⁶, дейди.

“Сен ўзимнинг кўл қанотим,
Бирга ўсган хоназодим,
Эшит менинг қилган додим,
Кел, Ғиротим, кел, Ғиротим”⁷.

Дostonнинг бу қисми орқали Гўрўғли султон отининг жанглarda ҳам бирга ўзига ҳамроҳ бўлганлигини кўришимиз мумкин. Отига нисбатан кўл ва қанотим дейилиши отнинг унга нақадар яқин эканлигини билдиради. Буни ўқиган болалар от боқишга унга қарашга ва у билан яқин дўст бўлишга ҳаракат қилади.

⁵ “Гўрўғли” дostonи. “Шарк” нашриёт-матбаа аксиядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкенти – 2006. 417-бет

⁶ “Гўрўғли” дostonи. “Шарк” нашриёт-матбаа аксиядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкенти – 2006. 427-бет

⁷ “Гўрўғли” дostonи. “Шарк” нашриёт-матбаа аксиядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкенти – 2006. 427-бет

Достон сўнгида Гўрўғли султон душманлар томонидан ўлдирилгандан кейин, оти унинг жасадини кўради ва етти марта айланиб, дув-дув кўзёш тўкади ва жон таслим қилади. Бу ерда ҳайвоннинг эгасига нисбатан қанчалик меҳри борлигини кўришимиз мумкин. Чунки эгасининг ўлимини кўриб, бу айрилиққа чидай олмай жон бериши бу унинг муҳаббатининг кучлилигини кўрсатади. Асардаги бундай воқелик болалар қалбида ҳайвонларга муҳаббат уйғотади, балки уларнинг хулқ-атворида эзгуликка бўлган туйғуларни шакллантиради. Ҳамда, ҳайвонларга яхшилик қилишга, улар билан дўст тутинишга ўргатади. Инсон ва ҳайвоннинг дўст бўлиши бу узок муддатли жараён ҳисобланади. Бу воқеалар болаларнинг қизиқишини ортттиради, балки уларнинг мантиқан ўйлашларига имкон яратади. Ота-оналари ва ўқитувчилари томонидан айтиб берилган ва ўзлари ўқиб кўрган достонлардаги мана шундай парчалар, албатта, улар тарбияси учун яхши натижаларни қайд этади ва кундалик ҳаётда атрофдаги ҳайвонларга қушларга ижобий кайфиятда қарайди. Болаларнинг телевизор орқали кўплаб ёмон хулқ-атворни шакллантирадиган манзараларни кўргандан кўра мана шундай достонларни ўқиши уларни келажакда эзгулик йўлидаги бир йўловчи қилиб тарбиялашига ёрдам беради. Биз бунга ишонамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Гўрўғли” достони. “Шарк” нашриёт-матбаа аксиядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкенти.: 2006.
2. Жўраев М. Ўзбек самовий афсоналари. Тошкент.: 1990.
3. Жўраев М. , Ш. Шомусаров. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. Тошкент.: “Фан”, 2001.
4. “Педагогика”. Ж. Ҳасанбоев, Х.А. Тўрақулов, И. Ш. Алқаров, Н. Ў. Усманов “Ношир”. Тошкент.: 2011.